

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ИМАМАЛИЕВ БАХТИЁР АЛИШЕРОВИЧ

**АТОПИК ДЕРМАТИТНИНГ СИРТҚИ ТЕРАПИЯСИ УЧУН
МЎЛЖАЛЛАНГАН ФИТОКОМПОЗИЦИЯНИ ФАРМАКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.17 – фармакология ва клиник фармакология,
15.00.01 – дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори(PhD)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Имамалиев Бахтиёр Алишервич

Атопик дерматитнинг сиртқи терапияси учун мўлжалланган
фитокомпозицияни фармакологик хусусиятлари ва технологиясини ишлаб
чиқиш..... 3

Имамалиев Бахтиёр Алишервич

Фармакологические свойства и разработка технологии фитокомпозиции, для
наружной терапии атопического дерматита..... 19

Imamaliyev Bakhtiyor Alisherovich

Pharmacological properties and development of phytocomposition technology, for
topical therapy of atopic dermatitis..... 35

Эълон килинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 38

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01. РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

ИМАМАЛИЕВ БАХТИЁР АЛИШЕРОВИЧ

**АТОПИК ДЕРМАТИТНИНГ СИРТҚИ ТЕРАПИЯСИ УЧУН
МЎЛЖАЛЛАНГАН ФИТОКОМПОЗИЦИЯНИ ФАРМАКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.17 – фармакология ва клиник фармакология,
15.00.01 – дори технологияси**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Far41 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Файзиёва Зиёда Тураевна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Илмий маслаҳатчи:	Файзулласва Подира Султановна фармацевтика фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Исмаилова Мохинур Гафуровна фармацевтика фанлари доктори, профессор Сыров Владимир Николаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академик А.С. Садиқов номидаги «Биоорганик кимё институти»

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19» ноябр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (манзил 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.:(+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: pharmi.@pharmi.uz.)

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-ўй. Тел.:(+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2020 йил «24» октябрь куни тарқатилди.

(2020 йил «24» октябрь даги 8 рақамли реестр баённомаси)



К.С. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С.Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фарм.ф.д., профессор

Б.Ш. Шоисламов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, ривожланган давлатлар орасида атопик дерматитнинг дунё бўйлаб тарқалиши 5-30% ни ташкил қилади. Ҳозирги кунда атопик дерматит билан касалланиш сезиларли даражада ошгани сабабли, маҳаллий хом ашё асосида юқори биологик самарадорликка эга дори воситаларини яратиш ўта муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда аллергодерматозларни сиртқи комплекс даволаш ҳамда олдини олиш борасида доривор ўсимликлардан фойдаланиш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада маҳаллий доривор ўсимликлардан фитойиғмалар тайёрлаш, улардан биологик фаол моддаларни ажратиш олиш, олинган экстрактларнинг сифатини баҳолаш, фармако-токсикологик тадқиқотларни ўтказишни тақозо этмоқда.

Республикамизда доривор ўсимликлардан препаратлар яратилиши натижасида безарар, сифатли ва самарали препаратлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида мувофиқ «...фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланишини яхшилаш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, аллергодерматозларни даволаш учун оригинал, юқори самарадорликка эга, хавфсиз дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4670-сонли, 2019 йил 6 майдаги «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4310-сонли, 2019 йил 10 апрелдаги «2019 - 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5707-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 апрелдаги «Доривор ўсимликлар асосидаги дори воситаларини ва биологик фаол қўшимчаларни (БФҚ) маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари» тўғрисидаги 32-сон баёни ва мазкур фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони

тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қўлланилган доривор ўсимликларни ўрганиш, улар асосида дори препаратларни яратиш, фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш бўйича республикада А.Г.Курмуков, Х.У.Алиев, А.Я.Ибрагимов, Ф.Ф. Урманова, Х.М.Комилов, А.Қ.Ганиев, Л.В. Епишеванинг илмий ишлари алоҳида ўрин тутмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган илмий изланишлар доирасида, аллергодерматозларни даволашда қўлланиладиган воситалар, уларнинг яратилиши, специфик фаоллиги ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. МДХ ва дунё миқёсида аллергодерматозларга қарши таъсирга эга дори воситаларни яратиш, уларни фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлаш бўйича В.С.Смирнов, Т.Н.Саватеева-Любимова, А.В.Саватеев, Ю.К.Скрипкин, Е.А.Теунова, З.Д.Хаджиева томонидан олиб борилган тадқиқотлар аҳамиятга моликдир.

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, маҳаллий доривор ўсимликлар асосида препаратларни яратиш ва уларнинг фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганиш зарурияти юзага келмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Маҳаллий доривор ўсимликлар ва координацион бирикмалар асосида оригинал дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» ва «Физиологик фаол моддалар ва биологик фаол кўшимчаларнинг фармако-токсикологиясини ўрганиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади атопик дерматитни сиртқи даволаш учун тавсия этилган янги фитокомпозициянинг таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атопик дерматитни сиртқи даволаш учун тавсия этилган фитокомпозициянинг таркибини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган фитокомпозициядан суяқ экстракт технологиясини яратиш;

суяқ экстрактнинг сифатини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш ва стандартлаштириш;

тавсия этилаётган суяқ экстрактнинг турғунлигини ўрганиш;

фитокомпозициядан олинган суяқ экстрактнинг ўткир, нимўткир ва сурункали токсиклигини ўрганиш;

суяқ экстрактнинг қитиқловчи хусусиятини ва аллергенли (сезгирлаштирувчи) таъсирини ўрганиш;

таклиф этилаётган суяқ экстрактнинг умумий фармакологик фаоллигини ўрганиш;

атопик дерматитни даволаш учун тавсия этилаётган суяқ экстрактнинг

антиаллергик фаоллигини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фитокомпозиция таркибига кирувчи доривор ўсимликлар ҳамда улар асосидаги олинган суюқ экстракт.

Тадқиқотнинг предмети фитокомпозиция ҳамда суюқ экстракт таркиби ва технологиясини яратиш, сифатини баҳолаш, фармако-токсикологик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда ментал моделлаштириш ва ранжировка усуллари, физик-кимёвий усуллардан спектрофотометрия, гравиметрия қўлланилган. Суюқ экстрактнинг токсикологик хусусиятлари анъанавий усулда ўрганилди. Препаратнинг умумий фармакологик таъсири гематологик ва биокимёвий қон параметрларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда умумий қабул қилинган усул бўйича амалга оширилди. Антиаллергик фаолликни контактли аллергия дерматит моделида ўрганилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий доривор ўсимликлар асосида фитокомпозиция таркиби ва технологияси ишлаб чиқилган;

турли омиллар таъсирини аниқлаган ҳолда ажратманинг турғунлигини пасайтирувчи балласт моддаларни ажралиб чиқишини камайтирадиган ва фаол моддаларни миқдорига таъсир этмайдиган суюқ экстракт технологияси яратилган;

суюқ экстрактнинг сифат кўрсаткичлари аниқланган;

атопик дерматитни даволаш учун мўлжалланган суюқ экстрактнинг безарарлиги (ўткир токсиклиги, нимўткир ва сурункали токсиклиги, маҳаллий таъсирчанлиги ва аллергия чақирувчи хусусияти, умумий фармакологик таъсири) исботланган;

суюқ экстрактнинг антиаллергик фаоллиги синтетик дори воситалар (топик глюкокортикостероидлар, антигистаминлар ва анъанавий дорилар)дан кам эмаслиги, баъзи ҳолларда улардан устун эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

атопик дерматитни даволаш учун таклиф этилаётган суюқ экстрактнинг турғунлиги асосланган;

фитокомпозиция асосида олинган суюқ экстракт учун меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган;

суюқ экстрактни клиник шароитда қўллаш бўйича йўриқнома яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотлар амалдаги GLP минтақавий стандарти – «Яхши лаборатория амалиёти», ISO 9001, «Экспериментал ва илмий мақсадларда ишлатиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясининг» қоидаларига мувофиқ ўтказилди. Шунингдек, фармако-токсикологик тадқиқотлар ўтказилганда, камида 10-14 кун давомида карантиндаги соғлом ҳайвонлар ишлатилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор атопик дерматитни даволаш учун

махаллий доривор ўсимликлар асосидаги фитокомпозициядан балласт моддаларни камайтириб, асосий таъсир этувчи фаол моддалар миқдорини сақлаб қолган ҳолда суюқ экстракт технологияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фитокомпозиция асосидаги суюқ экстракт учун корхона фармакопея мақоласининг ишлаб чиқилиши ва уни тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат олиш учун ЎзР ССВнинг «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази» ДУКга кўриб чиқиш учун тақдим этилиши ҳамда суюқ экстракт таркиби ва технологиясига ихтиро патенти олинганлиги билан изоҳланади. Бу эса суюқ экстрактни саноат шароитида ишлаб чиқаришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Атопик дерматитнинг сиртки терапияси учун мўлжалланган фитокомпозицияни фармакологик хусусиятлари ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

суюқ экстракт учун корхона фармакопея мақола лойиҳаси «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКга рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати, «Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш давлат маркази» ДУКнинг 2020 йил 26 февралдаги 41-сон шартномаси). Мазкур корхона фармакопея мақоласининг тасдиқланиши атопик дерматитни даволаш учун суюқ экстрактни ишлаб чиқариш имконини беради;

ўтказилган клиник олди синовлар ҳисоботларига асосан суюқ экстракт учун специфик фармакологик фаоллиги текширилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 15 октябрдаги 8н-3/280-сон хати). Натижада, атопик дерматитни даволашда ишончли фаолликка эга ва безарар дори воситасини ишлаб чиқариш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, 1 ихтирога патент олинган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Атопик дерматит, унинг фармакотерапия тамойиллари ва суюқ экстрактлар ҳақида умумий маълумотлар» биринчи боби атопик дерматит патологияси бўйича адабиётларни ўрганишга, сиртки терапия тамойилларига, аллергик дерматозларни даволашда дерматологияда ишлатиладиган препаратлар ва доривор ўсимликларга бағишланган. Биринчи бобида, шунингдек, суюқ экстрактларни ишлаб чиқариш технологияси ҳақида маълумот берилган.

Иккинчи бобда «Фитоаллергодерм» суюқ экстрактини таркибини ва технологиясини яратиш» суюқ экстракти таркиби ва технологияси бўйича тадқиқотлар келтирилган. Фитокомплекс таркибини ишлаб чиқишда ақлий моделлаштириш ва ранжировка усуллари қўлланилган.

АтД сиртки терапиясининг мақсади яллиғланиш реакциясини бартараф этиш ва десенсибилизация қилувчи таъсирни таъминлаш, шунингдек қичишиш, оғриқ, ачишиш, қуруқликни камайтириш, иккиламчи инфекцияларни даволаш ва теридаги морфологик ўзгаришларни бартараф этишдан иборат.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда биз фитокомплекс таркибини ишлаб чиқдик: уч рангли бинафша (ер устки қисми) 3,0; оддий хоп (конуслари) 2,0; қизилмия (илдизи) 2,0; дорихона мойчечаги (гуллари) 1,0; газанда ўти (барглари) 1,0; тирноқгул (гуллари) 1,0; қириқ бўғим (ер устки қисми) 1,0.

Суюқ экстрактлар технологиясини ишлаб чиқишда модификацияни қўллаган ҳолда мацерация усули ишлатилган: дастлабки намлаш сўнг бўқтириш усули; мацерация ва кейинги суюлтириш усули (совуқ усули); мацерация ва кейинги суюлтириш усули (иссиқ усул).

Дастлабки намлаш сўнг бўқтириш мацерация усули (Технология №1). Технологиянинг моҳияти: хом ашёни 70% этанол билан олдиндан намлаш ва хом ашёни тўлиқ бўқиш ҳолатига етказиш, кейин бўққан хом ашёдаги этанол концентрациясини 40% етказиш учун зарур бўлган миқдорда тоза сув (90-100⁰ С) билан аралаштириш эди.

Биз экспериментал равишда қуйидаги технологик параметрларни аниқладик: хом ашёни майдалашнинг мақбул ўлчамлари: ўтлар, гуллар ва барглар учун 4-5 мм; илдизлар учун 3 мм. Хом ашёнинг тўлиқ бўқиш вақти - 4 соат. Хом ашёнинг бўқиши учун зарур бўлган экстрактив модда миқдори 3,1 мл/г ни ташкил қилади. Экстракция пайтида динамик мувозанатга эришиш вақти 4 соат.

Дастлабки намлаш сўнг бўктириш мацерация тамойилидан фойдаланиб, биз қуйидаги технологияни ишлаб чиқдик: 11 кг хом ашёни 34 л 70% этанол билан намланди ва 4 соат давомида бўқишга қолдирилди. Кейин бўккан хом ашёни 40% концентрациясида этанол олиш учун 26 л тозаланган сув (90-100⁰ С) билан аралаштирилди, ва 4 соат давмида бўктирилди. Сўнг аралашма сузиб олинди ва 3 кун давомида 10⁰С дан юқори бўлмаган ҳароратда тиндирилди ва сўнг филтрланади. Натижада 25 л суюқ экстракт олинган (1:2,5).

Мацерация ва кейинги суюлтириш усули (совуқ усули) (Технология №2). Технологиянинг моҳияти хом ашёни 70% этанол билан олдиндан бўктириш ва хом ашёни динамик мувозанатга етказиш, сўнгра экстрактни 40% концентрациясида этанол олиш учун зарур бўлган миқдорда тозаланган сув (хона ҳароратида) билан суюлтириш эди.


Биз экспериментал равишда қуйидаги технологик параметрларни аниқладик: хом ашёни майдалашнинг мақбул ўлчамлари: ўтлар, гуллар ва баргллар учун 5 мм гача; илдизлар учун 3 мм гача. Оптимал нисбати хом ашё: экстрагент – 1:10. Экстракция пайтида динамик мувозанатга эришиш вақти - 8 соат (I – босқич учун), 1 соат (II – босқич учун).

Мацерация ва кейинги суюлтириш усули (совуқ усули) тамойилидан фойдаланиб, биз қуйидаги технологияни ишлаб чиқдик (1-расм): 11 кг хом ашёни 66 л 70% этанолга аралаштирилди ва 8 соат давомида бўктирилди. Сўнг аралашмага этанолнинг 40% концентрациясини олиш учун 44 л тозаланган сув қуйилди (хона ҳароратида) ва 1 соат давомида бўктирилди. Сўнг аралашма сузиб олинади ва 3 кун давомида 10⁰С дан юқори бўлмаган ҳароратда тиндирилади ва сўнг филтрланади. Натижада 75 л суюқ экстракти олинган (1: 6,8).

Мацерация ва кейинги суюлтириш усули (иссиқ усули) (Технология №3). Технологиянинг моҳияти хом ашёни 70% этанол билан олдиндан бўктириш ва хом ашёни динамик мувозанатга етказиш, сўнгра экстрактни 40% концентрациясида этанол олиш учун зарур бўлган миқдорда тозаланган сув (90-100⁰ С) билан суюлтириш эди.

Биз экспериментал равишда қуйидаги технологик параметрларни аниқладик: хом ашёни майдалашнинг мақбул ўлчамлари: ўтлар, гуллар ва баргллар учун 5 мм гача; илдизлар учун 3 мм гача. Оптимал нисбати хом ашё: экстрагент – 1:10. Экстракция пайтида динамик мувозанатга эришиш вақти - 8 соат (I – босқич учун), 1 соат (II – босқич учун).

Мацерация ва кейинги суюлтириш усули (совуқ усули) тамойилидан фойдаланиб, биз қуйидаги технологияни ишлаб чиқдик (1-расм): 11 кг хом ашёни 66 л 70% этанолга аралаштирилди ва 8 соат давомида бўктирилди. Сўнг аралашмага этанолнинг 40% концентрациясини олиш учун 44 л тозаланган сув қуйилди (90-100⁰ С) ва 1 соат давомида бўктирилди. Сўнг аралашма сузиб олинади ва 3 кун давомида 10⁰С дан юқори бўлмаган ҳароратда тиндирилади ва сўнг филтрланади. Натижада 75 л суюқ экстракти олинган (1: 6,8).



1-расм. Мацерация ва кейинги суюлтириш усули (совуқ усули) суюқ экстрактнинг технологик схемаси

Ишлаб чиқилган технологияларни қиёсий баҳолаш. Олинган маълумотлар асосида қуйидаги хулосага келдик (1-жадвал). №1 технология бўйича суюқ экстрактни олгандан сўнг, максимал равишда тўйинган экстракт олиш кузатилади, бу энг юқори қуруқ қолдиқнинг мавжудлиги билан изоҳланади, аммо экстрактив моддаларнинг ажралиши №2 ва №3 технологиялардан сезиларли даражада пастдир. №2 технологияда экстрактив моддаларнинг ажралиши юқори миқдорда кузатилади, аммо №1 технологияга нисбатан қуруқ қолдиқ миқдори паст бўлди. №3 технология шароитида №2 технология билан биргаликда экстрактив моддаларнинг ажралиши юқори миқдорда ҳам кузатилди, аммо №1 технологияга нисбатан қуруқ қолдиқ миқдори паст бўди. Шунини ҳам айтиш керакки, №2 ва №3 технологиядаги қуруқ қолдиқ ва экстрактив моддаларни ажралиши деярли бир хил.

1-жадвал

Ишлаб чиқилган технологияларни қиёсий баҳолаш натижалари

Экстракция усули	Қуруқ қолдиқ, %	Экстрактив моддалар ажралиши, %
Технология №1	3,81	10,17
Технология №2	2,10	14,86
Технология №3	2,25	15,50

Юқорида келиб чиққан натижаларга кўра, технологик нуқтаи назардан энг самарали №2 ва №3 технологиялар, №2 технология эса истиқболлироқ, чунки ундаги экстракция жараёни иссиқ шароитда эмас хона ҳароратида содир бўлади. Маълумки иссиқ шароит биологик фаол моддаларга зарарли таъсир кўрсатади ва якуний маҳсулотнинг фармакологик фаоллигини пасайтиради. Атопик дерматитнинг ташқи терапияси учун тавсия этилган кўп компонентли фитокомпозициядан суюқ экстракт олиш учун №2 технология истиқболлигини кўрсатди.

Бирок, ишлаб чиқилган технология мутлақо янги бўлганлиги сабабли, унинг самарадорлигини баҳолаш учун биз прототип – анъанавий мацерация усули билан қиёсий баҳолаш жараёнини ўтказдик.

Бунинг учун биз 50% этанолда 1:10 нисбатда анъанавий мацерация усулида (прототип) «Фитоаллергодерм» суюқ экстрактини ишлаб чиқдик. Кейин биологик фаол моддаларнинг ажралиши бўйича ишлаб чиқилган технологияни прототип билан қиёсий баҳолаш ўтказилди.

Биологик фаол моддаларнинг ажралишини баҳолаш натижасида (2-жадвал) флавоноидлар, эфир мойлари, глицирризин кислота, кремнийорганик бирикмалари, каротиноидлар ва хлорофилларнинг ажралишида ишлаб чиқилган усул ва прототип ўртасида сезиларли фарқлар йўқлигини кўрсатди. Аммо курук қолдиқни % пасайиш кузатилмоқда.

Олинган натижа шу нарсага кўрсатадики, ишлаб чиқилган усулдан фойдаланганда баласт моддаларининг кам ажралиши кузатилади, аммо суюқ экстрактни фармакологик таъсирига жавоб берадиган асосий биологик фаол моддаларнинг ажралиши ўзгаришсиз қолади. Ва бу шуни кўрсатадики, атопик дерматитнинг сиртқи терапияси учун тавсия этилган ишлаб чиқилган суюқ экстракти усули прототипга нисбатан катта афзалликларга эга, чунки ишлаб чиқилган усули билан суюқ экстракт олганда экстракт баласт моддалардан сезиларли даражада тозаланган бўлади.

Учинчи бобда «Фитоаллергодерм» суюқ экстрактни стандартлаштириш ва сифтини баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш» суюқлик экстракти натижаларини стандартлаштириш ва сифатини баҳолаш усуллари ўрганиш бўйича тадқиқотлар келтирилган. Флавоноидлар, эфир мойлари, глицирризин кислота, кремнийорганик бирикмалари, каротиноидлар ва хлорофилларнинг таркиби ўрганилди ва меърий хужат (МХ) кўрсаткичлари учун сифат меърлари ишлаб чиқилди. Синовлар оғир металллар ва микробиологик тозаллиги кўрсаткичлари бўйича фармакопея усуллари ёрдамида ўтказилди. Шунингдек, барқарорлик ўрганилди ва «табiiй қариш» усули билан суюқ экстрактнинг яроқлилик муддати белгиланди.

Тадқиқот натижаларига кўра сифатни баҳолаш усуллари ва МХ кўрсаткичлари учун сифат меърлари ишлаб чиқилган ва стандартлаш амалга оширилган (3-жадвал).

**Биологик фаол ва экстрактив моддалар ажралишини ўрганиш
натижалари ($M \pm tm$; $p=0,05$; $n=3$)**

Ўрганилган кўрсаткич	Ишлаб чиқилган технология (ихтиро)	Анъанавий мацерация (прототип)	Хулоса
Флавоноидлар (в %)	0,08933 (0,06850÷0,11017)	0,09300 (0,08803÷0,09797)	Таққослаш мумкин
Каротиноидлар (в мг%)	0,09133 (0,07236÷0,11031)	0,09567 (0,07669÷0,11464)	Таққослаш мумкин
Хлорофиллар (в мг%)	1,81867 (1,40502÷2,23231)	1,92767 (1,51402÷2,34131)	Таққослаш мумкин
Глицирризин кислота (в %)	0,51267 (0,29319÷0,73214)	0,46167 (0,13227÷0,79107)	Таққослаш мумкин
Эфир мойи (в %)	0,18600 (0,12973÷0,24227)	0,18133 (0,13431÷0,22836)	Таққослаш мумкин
Кремнийорганик бирикмалар (в %)	0,06033 (0,02878÷0,09189)	0,05800 (0,03766÷0,07834)	Таққослаш мумкин
Экстракт моддаларнинг курук қолдиқи (в %)	2,04033 (2,00508÷2,07558)	2,55267 (2,51182÷2,59351)	Ишлаб чиқилган усулда камрок

«Фитоаллергодерм» суюқ экстрактини стандартлаштириш натижалари

Сифат кўрсаткичи	Усул	МХ бўйича сифат нормалари
Таъриф	Органолептик	Ўзига хос хидли, аччиқ, куйдирадиган ҳамда ширин таъмга эга бўлган, яшил-жигар рангли суюқлик. Сақлаш вақтида озгина хиралашишга йўл қўйилади.
Чинлик	Рангли реакция	<u>Флавоноидлар:</u> FeCl ₃ билан қора-яшил ранг бериш (флавоноидлар).
	Спектрофотомерия	<u>Флавоноидлар:</u> NaOH/КОН билан жигар ранг сариқ тус билан бериш (флавоноидлар). <u>Флавоноидлар:</u> 350 дан 450 нм гача бўлган ораликда 407±5 нм максимал ютилиш кузатилиши керак (флавоноидлар).
	Рангли реакция	<u>Глицирризин кислота:</u> сариқ ранг хиралик (глицирризин кислотаси).
	Спектрофотомерия	<u>Каротиноидлар:</u> 350 дан 450 нм оралиғида 402±5 нм максимал нур ютилиши кузатилиши керак (каротиноидлар).
Спектрофотомерия	<u>Хлорофиллар:</u> 600 дан 700 нм оралиғида 670±5 нм максимал нур ютилиши кузатилиши керак (хлорофиллар).	
Оғир металллар	Фармакопея	0,01% ошмаслик керак.
Этанол	Фармакопея	30% кам бўлмаслик керак.
Микробиологи	Фармакопея (2 тоифа,	1 мл препарат таркибида аэроб бактериялар

к тозалик	ДФ 12 га биноан)	ва замбуруғларнинг умумий сонидан (жами) 10^2 тадан ошмаслик керак, Enterobacteriaceae ва бошқа грам-манфий бактериялардан 10^1 тадан ошмаслик керак, Pseudomonas aeruginosa, Staphylococcus aureus бўлмаслик керак.
Микдорий таҳлил	Спектрофотометрия	Флавоноидлар 0,06% кам бўлмаслик керак.
	Тузлаш усули	Эфир мойлари 0,3% кам бўлмаслик керак. Эфир мойлари 0,1% кам бўлмаслик керак.
	Альтернатив усул	
	Спектрофотометрия	Глицирризин 0,3% кам бўлмаслик керак.
	Гравиметрия	Кремнийорганик бирикмалар 0,02% кам бўлмаслик керак.
Сақланиш муддати		2 йил.

Тўртинчи бобда «Фитоаллергодерм» суяқ экстрактини фармако-токсикологик тадқиқотлари» ўткир, нимўткир ва сурункали токсиклик, маҳаллий қитиқлаш хусусияти ва аллергия чақиритиш (сенсibiliзация) хусусияти, умумий фармакологик ва антиаллергик фаоллик кўрсаткичлари бўйича фармако-токсикологик тадқиқотлар келтирилган.

Ўткир, нимўткир ва сурункали токсиклик анъанавий усулда ўрганилди. Маҳаллий қитиқловчи таъсири умум қабул қилинган усулда интакт албинос қуёнларда конъюнктивал синамаси ва териға суриш орқали ўрганилди. Аллергия чақирувчи таъсири сенсibiliзация бўлган хавонларда конъюнктивал синамаси ва териға суриш орқали ўрганилди.

Препаратнинг умумий фармакологик таъсири гематологик ва биокимёвий қон параметрларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда умумий қабул қилинган усул бўйича амалга оширилди. Антиаллергик фаолликни ўрганиш скипидарни териға суришдан келиб чиққан контактли аллергия дерматит моделида (1-модел), шунингдек, 2,4-динитрофторобензол (2-модел) терининг суришдан келиб чиққан контактли аллергия дерматит моделида ўтказилди.

Ўткир токсикликни ўрганиш натижаларига кўра $LD_{50} > 3000$ мг/кг (териға қўллаш учун), токсиклик классификаторига кўра, препарат бешинчи токсиклик синфига киради (амалда токсик эмас).

Нимўткир, сурункали токсиклик ва умумий фармакологик фаолликни ўрганиш натижалари препаратнинг деярли тўпланмаслиги ва ҳаётий органлар ва тизимларга токсик таъсирининг йўқлигини кўрсатди, ва бу нарса гематологик, биокимёвий¹ ва гистологик² тадқиқотлар билан тасдиқланди (2-расм). Шунингдек, препарат маҳаллий қитиқловчи ва аллергия чақирувчи таъсирига эга эмаслиги аниқланди.

Терпинтин мойи териға суриш натижасида келиб чиқадиган аллергия

¹ Гематологик ва биокимёвий қон таҳлиллар МЧЖ «Med Standart» илмий-тадқиқот маркази базасида ўтказилди, муаллифлар кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорчилик билдирмоқдалар.

² Гистологик тадқиқотлар «Тошкент давлат стоматология институти клиникаси» базасида олиб борилди (Патоморфологик қисм бўйича маслаҳатчи - т.ф.н. Реиназарова Гулсара Джамаловна), муаллифлар кўрсатган ёрдамлари учун миннатдорчилик билдирмоқдалар.

дерматит моделида препаратнинг антиаллергик фаоллигини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, синов препарати ҳам профилактик, ҳам даволовчи режимда синтетик аналоглардан кам бўлмаган ишончли антиаллергик таъсирга эга (4, 5, 6-жадваллар).

4-жадвал

Антиаллергик фаолликни ўрганиш натижалари – профилактика режими (умумий аллергия реакцияни камайтириши бўйича)

($M \pm tm$; $p=0,05$; $n=12$)

Гуруҳ	Натижа	Эффект, %
Контроль	9,875 (8,199÷11,551)	-
«Фитоаллергодерм» (67 мг/кг дозада)	11,375 (9,854÷12,896)	0%
«Фитоаллергодерм» (33 мг/кг дозада)	7,417 (5,897÷8,936)	24,89%
«Фитоаллергодерм» (22 мг/кг дозада)	6,458 (5,576÷7,341)	34,60%
«Фитоаллергодерм» (13 мг/кг дозада)	8,542 (7,542÷9,541)	13,50%
«Псило-Бальзам» гель (12 мг/кг дозада)	7,292 (5,709÷8,874)	26,16%
«Псило-Бальзам» гель (6 мг/кг дозада)	8,417 (7,689÷9,144)	14,76%
«Дермовейт» крем (0,4 мг/кг дозада)	5,458 (4,121÷6,796)	44,73%
«Дермовейт» крем (0,2 мг/кг дозада)	9,375 (7,915÷10,835)	5,06%
«Рух» суритмаси (120 мг/кг дозада)	5,250 (3,351÷7,149)	46,84%
«Рух» суритмаси (60 мг/кг дозада)	7,917 (6,793÷9,041)	19,83%

5-жадвал

Антиаллергик фаолликни ўрганиш натижалари – даволаш режими (умумий аллергия реакцияни камайтириши бўйича)

($M \pm tm$; $p=0,05$; $n=12$)

Гуруҳ	Натижа	Эффект, %
Назорат	21,50 (19,91÷23,09)	-
«Фитоаллергодерм» (67 мг/кг дозада)	15,50 (13,98÷17,02)	27,9%
«Фитоаллергодерм» (33 мг/кг дозада)	13,08 (11,32÷14,85)	39,2%
«Фитоаллергодерм» (22 мг/кг дозада)	15,25 (14,01÷16,49)	29,1%
«Фитоаллергодерм» (13 мг/кг дозада)	15,58 (13,12÷18,04)	27,5%
«Псило-Бальзам» гель (12 мг/кг дозада)	15,58 (14,06÷17,10)	27,5%
«Псило-Бальзам» гель (6 мг/кг дозада)	13,25 (11,17÷15,33)	38,4%
«Псило-Бальзам» гель (3 мг/кг дозада)	16,58 (15,30÷17,87)	22,9%
«Дермовейт» крем (0,4 мг/кг дозада)	13,00 (10,90÷15,10)	39,5%
«Дермовейт» крем (0,2 мг/кг дозада)	14,58 (11,20÷17,97)	32,2%
«Рух» суритмаси (120 мг/кг дозада)	12,83 (10,92÷14,74)	40,3%
«Рух» суритмаси (60 мг/кг дозада)	11,75 (10,06÷13,44)	45,3%
«Рух» суритмаси (30 мг/кг дозада)	16,33 (14,75÷17,92)	24,0%

**Антиаллергик фаолликни ўрганиш натижалари – даволаш режими
(тикланиш вақти бўйича – суткаларда) ($M \pm tm$; $p=0,05$; $n=12$)**

Гуруҳ	Натижа	Эффект, %
Назорат	8,33 (7,60÷9,07)	-
«Фитоаллергодерм» (67 мг/кг дозада)	4,92 (4,49÷5,34)	40,9%
«Фитоаллергодерм» (33 мг/кг дозада)	4,83 (4,18÷5,49)	42,0%
«Фитоаллергодерм» (22 мг/кг дозада)	5,33 (4,55÷6,12)	36,0%
«Фитоаллергодерм» (13 мг/кг дозада)	6,00 (5,14÷6,86)	28,0%
«Псило-Бальзам» гель (12 мг/кг дозада)	5,83 (4,76÷6,91)	30,0%
«Псило-Бальзам» гель (6 мг/кг дозада)	4,58 (3,90÷5,27)	45,0%
«Псило-Бальзам» гель (3 мг/кг дозада)	6,42 (5,99÷6,84)	22,9%
«Дермовейт» крем (0,4 мг/кг дозада)	5,08 (4,21÷5,96)	39,0%
«Дермовейт» крем (0,2 мг/кг дозада)	6,00 (4,59÷7,41)	28,0%
«Рух» суритмаси (120 мг/кг дозада)	4,67 (4,10÷5,23)	43,9%
«Рух» суритмаси (60 мг/кг дозада)	4,58 (4,01÷5,16)	45,0%
«Рух» суритмаси (30 мг/кг дозада)	6,67 (6,04÷7,29)	19,9%

2,4- динитрофторбензолнинг териға сурилиши натижасида келиб чиққан контакт аллергия дерматит моделида препаратнинг антиаллергик фаоллигини ўрганиш натижалари синов препарат таъсири «Рух» суритмасидан қолишмаслигини ва «Дермовейт» билан «Псило-Бальзамдан» устунлигини кўрсатди (7 ва 8 жадваллар).

**Антиаллергик фаолликни ўрганиш натижалари – даволаш режими
(умумий аллергия реакцияни камайтириши бўйича)
($M \pm tm$; $p=0,05$; $n=12$)**

Гуруҳ	Натижа	Эффект, %
Назорат	51,50 (46,89÷56,11)	-
«Фитоаллергодерм» (67 мг/кг дозада)	30,92 (28,19÷33,64)	40,0%
«Фитоаллергодерм» (33 мг/кг дозада)	34,58 (33,02÷36,15)	32,9%
«Фитоаллергодерм» (22 мг/кг дозада)	36,00 (33,26÷38,74)	30,1%
«Фитоаллергодерм» (13 мг/кг дозада)	36,75 (33,77÷39,73)	28,6%
«Псило-Бальзам» гель (12 мг/кг дозада)	49,58 (41,84÷57,32)	3,7%
«Псило-Бальзам» гель (6 мг/кг дозада)	49,17 (43,03÷55,30)	4,5%
«Псило-Бальзам» гель (3 мг/кг дозада)	41,92 (37,44÷46,40)	18,6%
«Дермовейт» крем (0,4 мг/кг дозада)	>52,92	0%
«Дермовейт» крем (0,2 мг/кг дозада)	>62,00	0%
«Рух» суритмаси (120 мг/кг дозада)	28,50 (27,38÷29,62)	44,7%
«Рух» суритмаси (60 мг/кг дозада)	29,25 (25,44÷33,06)	43,2%
«Рух» суритмаси (30 мг/кг дозада)	35,17 (32,54÷37,80)	31,7%

**Антиаллергик фаолликни ўрганиш натижалари – даволаш режими
(тикланиш вақти бўйича – суткаларда) ($M \pm tm$; $p=0,05$; $n=12$)**

Гуруҳ	Натижа	Эффект, %
Назорат	15,08 (14,17÷16,00)	-
«Фитоаллергодерм» (67 мг/кг дозада)	10,83 (10,11÷11,56)	28,2%
«Фитоаллергодерм» (33 мг/кг дозада)	11,42 (10,81÷12,02)	24,3%
«Фитоаллергодерм» (22 мг/кг дозада)	11,67 (11,07÷12,27)	22,6%
«Фитоаллергодерм» (13 мг/кг дозада)	11,92 (10,93÷12,90)	21,0%

«Псило-Бальзам» гель (12 мг/кг дозада)	14,25 (12,59÷15,91)	5,5%
«Псило-Бальзам» гель (6 мг/кг дозада)	14,33 (13,22÷15,44)	5,0%
«Псило-Бальзам» гель (3 мг/кг дозада)	13,08 (12,06÷14,10)	13,3%
«Дермовейт» крем (0,4 мг/кг дозада)	>17	0%
«Дермовейт» крем (0,2 мг/кг дозада)	>17	0%
«Рух» суритмаси (120 мг/кг дозада)	11,00 (10,18÷11,82)	27,1%
«Рух» суритмаси (60 мг/кг дозада)	11,58 (10,92÷12,24)	23,2%
«Рух» суритмаси (30 мг/кг дозада)	12,25 (11,87÷12,63)	18,8%

Антиаллергик фаолликни ўрганиш натижаларига кўра, синов препаратининг ED₃₀, ED₅₀ ва ED₁₀₀ ҳисоблаб чиқилган ва умумий аллергия реакцияни камайтириш учун экспериментал маълумотлар ишлатилган (асосий баҳолаш мезони). Пробит жадвалидан фойдаланиб, синов препаратининг самарали дозалари тўғрисидаги маълумотлар асосида қуйидагилар ҳисоблаб чиқилган: профилактика режими учун ED₃₀ = 12 мг/кг, ED₅₀ = 14 мг/кг ва ED₁₀₀ = 22 мг/кг; даволаш режими учун – терпентин мойи ёрдамида моделаштирилган аллергия дерматит (1-модел) ED₃₀ = 19 мг/кг, ED₅₀ = 21 мг/кг ва ED₁₀₀ = 33 мг/кг; даволаш режими учун – 2,4-динитрофторобензол ёрдамида моделаштирилган аллергия дерматит (2-модел) ED₃₀ = 24 мг/кг, ED₅₀ = 27 мг/кг ва ED₁₀₀ = 67 мг/кг.

Назорат	Тажриба	Назорат	Тажриба
<i>бош мия тўқимаси</i>		<i>бўйрак тўқимаси</i>	
<i>юрак тўқимаси</i>		<i>талоқ тўқимаси</i>	
<i>упка тўқимаси</i>		<i>тимус тўқимаси</i>	
<i>жигар тўқимаси</i>		<i>тухумчалар тўқимаси</i>	
<i>тер тўқимаси</i>		<i>бачадон тўқимаси</i>	

Расм 2. Ички органларни микроскопик (гистологик) ўрганиш натижалари

ХУЛОСА

1. Илк бор маҳаллий доривор ўсимликлар асосидаги фитокомпозициядан турли омилларнинг таъсири ўрганилди ва анъанавий мацерация усулидан афзалроқ ва самарадорлироқ бўлган такомиллаштирилган мацерация усули суюқ экстракт олиш технологияси сифатида тавсия этилди.

2. Атопик дерматитни даволаш учун мўлжалланган суюқ экстрактнинг сифат кўрсаткичлари ва таркибидаги биологик фаол моддалар (флавоноидлар, каротиноидлар, хлорофиллар, глицирризин кислота, кремний органик бирикмалар, эфир мойлари) миқдори бўйича сифат меъёрлари белгиланди. Текширилган кўрсаткичлар бўйича суюқ экстракт меъёрий хужжатлар талабларига мослиги белгиланди.

3. Суюқ экстракт учун сақланиш шароитлари ва қадоклов материаллари асосланди. Яроқлилик муддати 2 йил деб белгиланди.

4. Ишлаб чиқилган суюқ экстрактнинг ўткир, нимўткир, сурункали токсиклик, маҳаллий таъсирчанлик, аллергия чақирувчи хусусияти, умумий фармакологик кўрсаткичлари бўйича текширилди ва талабга жавоб бериши белгиланди.

5. Антиаллергик фаолликни ўрганиш натижасида препаратда эталон препаратлар билан таққосланадиган ишончли антиаллергик таъсири борлиги ва баъзи ҳолатларда улардан ҳам юқори аллергияга қарши таъсирга эгалиги белгиланди. Самарали дозалар диапазони (ED_{30} , ED_{50} и ED_{100}) ҳам аниқланди ва энг самарали доза топилди.

6. Бажарилган ишлар натижалари асосида O'zDST 2762:2018 – «Яхши лаборатория амалиёти» стандарти талабларига мувофиқ клиник олди тадқиқотлари тўғрисида якуний ҳисобот ёзилди, МХ (КФМ) лойиҳаси ва препаратни тиббиётда қўллаш бўйича йўриқнома лойиҳаси тавсия қилинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.04/30.12.2019.FAR.32.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ИМАМАЛИЕВ БАХТИЁР АЛИШЕРОВИЧ

**ФАРМАКОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА И РАЗРАБОТКА
ТЕХНОЛОГИИ ФИТОКОМПОЗИЦИИ ДЛЯ НАРУЖНОЙ ТЕРАПИИ
АТОПИЧЕСКОГО ДЕРМАТИТА**

**14.00.17 – фармакология и клиническая фармакология,
15.00.01 – технология лекарств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент– 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по фармацевтическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/Far41.

Диссертация выполнена в Ташкентском фармацевтическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.pharmi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:	Файзиева Зиёда Тураевна доктор медицинских наук, доцент
Научный консультант:	Файзуллаева Нодира Султановна кандидат фармацевтических наук, доцент
Официальные оппоненты	Исмаилова Мохинур Гафуровна доктор фармацевтических наук, профессор Сыров Владимир Николаевич доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	«Институт биоорганической химии» им. А.С. Садыкова АН РУз

Защита диссертации состоится «17» ноября 2020 г в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 при Ташкентском фармацевтическом институте (адрес: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: pharmi@pharmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского фармацевтического института (регистрационный номер 8) по адресу: 100015, г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Айбека, 45. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Автореферат диссертации разослан «24» октября 2020 года

(Реестр протокола № 8 от «24» октября 2020 года)



К.С. Ризаев

Председателя научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.м.н.

Ё.С. Кариева

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.фарм.н., профессор

Б.Ш. Шоисламов

Председатель научного семинара
при научном совете по
присуждению ученых степеней,
д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы. Согласно отчетам Всемирной организации здравоохранения, атопический дерматит встречается примерно у 5-30 % населения земного шара. В настоящее время в связи со значительным ростом заболеваемости атопическим дерматитом, создание эффективных лекарственных средств на основе местного сырья, обладающих высокой биологической доступностью, является одной из важнейших задач.

Во всем мире ведутся обширные научные исследования по применению лекарственных растений в комплексном лечении и профилактике аллергодерматозов. В связи с этим возникает необходимость в разработке и изготовлении фитосборов из местного лекарственного растительного сырья, извлечение из них биологически активных веществ, оценка качества получаемых экстрактов, и проведение фармако-токсикологических исследований.

Результатам создания препаратов из лекарственных растений, и обеспечению безвредными, качественными и эффективными препаратами, на сегодняшний день в республике уделяется особое внимание, чем и достигаются определенные научные результаты. В четвертом направлении стратегий действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 года основными задачами определены «...дальнейшее развитие фармацевтической промышленности и улучшение обеспеченности населения и медицинских учреждений доступными, качественными лекарственными средствами и изделиями медицинского значения, реализация мер по недопущению необоснованного роста цен на них, обеспечение снижения показателей заболеваемости населения и повышения продолжительности жизни...»¹. В связи с этим разработка оригинальных, высокоэффективных, безвредных препаратов для лечения аллергодерматозов имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4670 от 10 апреля 2020 года «О мерах по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов», в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4310 от 6 мая 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», в Указе Президента Республики Узбекистан УП-5707 от 10 апреля 2019 года «О дальнейших мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли республики в 2019 - 2021 годах», в протоколе Кабинета Министров Республики Узбекистан №32 от 20 апреля 2015 года «О мерах по развитию производства лекарственных средств и биологически активных добавок (БАД) на основе лекарственных растений на местных предприятиях», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии. Данное исследование выполнено в соответствии с

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // «Народное слово», 8 февраля 2017 года.

приоритетным направлением развития науки и технологий республики «VI. Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В изучении использованных нами лекарственных растений, в разработке препаратов на их основе, и изучении фармако-токсикологических свойств, особое место в нашей республике занимают работы А.Г.Курмукова, Х.У.Алиева, А.Я.Ибрагимова, Ф.Ф.Урмановой, Х.М.Комилова, А.К.Ганиева, Л.В.Епишевой.

В рамках научных исследований в этой области важно провести исследования по созданию и оценке специфической активности средств рекомендуемых для лечения аллергодерматозов. В этом плане в странах СНГ и в мире работы В.С.Смирнова, Т.Н.Саватеевой-Любимовой, А.В.Саватеева, Ю.К.Скрипкина, Е.А.Теуновой, З.Д.Хаджиевой посвящённые разработке препаратов для лечения аллергодерматозов, и изучению их фармако-токсикологических свойств занимают особое место.

Исходя из приведенных выше данных, возникает необходимость в разработке лекарственных препаратов на основе местных лекарственных растений, и изучению их фармако-токсикологических свойств.

